БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 276 (18.454). • Пайшанба, 1982 йил 2 декабрь • Баҳоси 3 тийин.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Россиянинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш, халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, меҳнаткашлар фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш РСФСР Олий Совети сессиясининг диққат марказида бўлди. Сессия Москвада, Катта Кремль саройида икки кун иш олиб борди. 1 декабрдаги мажлисда 1983 йилда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва Давлат бюджети тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Депутатлар ва мехмонлар Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессияда сўзга чиққан кишилар Россия Федерациясининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини яқдиллик билан маъқуллаб, тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликлари, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Сўнгра республика Олий Совети Президиумининг секретари Х. Л. Пешков РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди. Олий Совет Фармонларни тасдиқлаб, тегишли қонунлар ва қарорларни қабул қилди.

Шу билан ўнинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугатди. (ТАСС).

ШИОРИМИЗ — ЮКСАК СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Ўн биринчи беш йиллик иккинчи йилининг сарҳисоби чиқариладиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Республикамиз меҳнат аҳли КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, коммунистик бунёдкорликнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришмоқда. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, фан ва маданият муассасаларида иш мароми 1982 йилнинг ва умуман беш йилликнинг план ва мажбуриятлари анча ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган даражада эканлиги, айниқса қувончлидир. Айни чоғда бу келгуси, 1983 йилда республикамизни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари ва мажбуриятларнинг муваффақиятли адо этилиши учун мустаҳкам пойдевор ҳам демакдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган пленумида ва ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг оптинчи сессиясида бу зўр мамнуният билан қайд қилинди. Шу билан бирга пленумда ва сессияда яқдиллик билан таъкидланганидек, республикамиз ишчилар синфи, колхозчилари ва халқ зиёлилари Советлар мамлакатининг куч-қудратини ва обрў-эътиборини янада ошириш, экономика ва маданиятни тобора жадал юксалтириш иштиёқи билан тўлиб-тошган ҳолда келгуси, 1983 йилнинг юксак марраларини белгилаб олдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди ва якунловчи нутқ сўзлади. Докладда ва доклад юзасидан пленум қабул қилган қарорда барча совет кишилари каби республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди белгилаб берган буюк вазифаларни бажаришда, халқ хўжалигининг самарадорлигини янада ошириш ва мамлакатни улуғ Ленин йўлидан коммунизм сари муттасил олға силжитишда бизнинг партиямиз ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги таъминланганлигини хўжалик ва маданий қурилишнинг барча жабҳаларидаги зарбдорларча ишлари билан маъқуллаб кутиб олганликлари баён этилади.

Дарҳақиқат, КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган меҳнат коллективлари беш йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган план топшириқлари ва юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин адо этаётганликлари ҳақида қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Дастлабки ҳисобларга қараганда, 1982 йил плани барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилади. Ялпи ижтимоий маҳсулот бир йил ичида 3,7 процент кўпаяди ва 37 миллиард сўмдан ошиб кетади. Миллий даромад эса 17,6 миллиард сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилдаги даражадан 4,9 процент ортиқдир. Миллий даромаднинг 80 проценти аҳолининг фаровонлигини оширишга сафарбар этилади. Хўжалик юритишни такомиллаштириш ва бошқаришнинг янги методларини жорий этиш соҳасидаги тадбирлар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини тез суръатлар билан ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва хилларини янгилаш имконини бермоқда. Техника тараққиётини белгиловчи ёқилғи-энергетика, химия, машинасозлик каби тармоқлар жадал ривожланади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари анча ошириб бажарилади.

Бу йил капитал қурилиш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Барча молиявий манбалар ҳисобига 5,8 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилади, қариб 5 миллиард сўмлик асосий фондларни ишга туширишга кўзда тутилмоқда. Транспорт ва алоқа корхоналарининг, фан ва маданият муассасаларининг коллективлари белгиланган план топшириқларини муваффақиятли уддалямоқдалар.

Қишлоқ хўжалик ходимлари партияга, Ватанга, халққа берилган улкан ваъдага вафодорликнинг юксак намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Давлатга дон, каноп, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, пилла, қоракўл тери ва жун сотиш топшириқлари ошириб адо этилди. Гўшт, сут ва тухум тайёрлаш планлари бажарилай деб қолди. Ҳамма турдаги маҳсулотларни умумиттифоқ фондига етказиб бериш мажбуриятлари шараф билан бажарилди: давлатга 1 миллион тоннадан зиёд дон, уч миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Бу йилги энг қийин иқлим шароитларида пахтакорларимиз кўрсатган мислсиз қаҳрамонлик, айниқса таҳсинга сазовордир. Олтин кўлли пахтакорларимизнинг бугунга қадар она-Батан хазинасига уйган «оқ олтин» хирмони олти миллион тоннадан ошиб кетди. Ҳамиша бўлганидек, пахтачиликда фан ва тажриба ютуқларидан кенг фойдаланиб, ерларни экишга тайёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган барча иш жараёнларини асосан механизмлар зиммасига юклаб келаётган тошкентлик деҳқонлар план ва мажбуриятларини бу йил ҳам республикада биринчи бўлиб бажаришди. Беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили учун умумхалқ курашига Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари, районлари, колхозлари ва совхозлари муносиб ҳисса қўшдилар. 19 та районда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига қирқ центнердан ошиб кетди. Гурлан, Хонқа ва Ғиждувон районларининг деҳқонлари эса гектаридан 45 центнердан зиёд ҳосил етиштирдилар. Ленин йўли районининг заршунослари ингичка толали пахта ҳосилдорлигини ҳам гектар бошига 45 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида бундай ютуқларга эришилганлиги жойларда партия комитетлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг самарадорлигини ошириш масалалари билан чуқурроқ шуғулланаётганликларининг, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини кенг жорий этаётганликларининг самараси эканлиги алоҳида уқтирилди ҳамда ишдаги нуқсонлар ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланди, мавжуд резервлардан ва имкониятлардан кенгроқ фойдаланишга эътибор жалб қилинди. Масалан, республикада чиқимларни камайтирган ҳолда кўпроқ маҳсулот етиштиришга имкон берадиган меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш системасини кенгроқ жорий этиш, ғўзанинг вужудга келган навлари системасини қайта кўриб чиқиш, эртапишар ўртача толали ва ингичка толали навларни кенг қўлланиш, тупроқ ҳосилдорлигини оширишнинг самарали воситаларини ишга солиш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қайд этганидек, пахтачиликни интенсивлаш, ирригация ва ерларни мелиорациялашни, химиялаш ва комплекс механизациялашни ривожлантириш, механизациялаштирилган илғор технологияни ҳамма жойда жорий этиш асосида пахтачиликни бутун чоралар билан юксалтириш ҳамон республика қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифа бўлиб, ҳар йили камида олти миллион тоннадан юқори сифатли пахта етиштириш бундан-буён норма бўлиб қолиши керак.

Пленумда ва ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессиясида 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда 1983 йилги Давлат бюджети ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама қилиниб, партия, совет, хўжалик органларининг диққат-эътибори республика халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш кераклигига қаратилди. Айни ана шу тадбирлар ҳисобига 1983 йилда саноат маҳсулоти ўсишининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғига эришиш мўлжалланади. Сифат белгиси билан чиқариладиган буюмлар бир йил ичида қариб 25 процент кўпайтирилади.

1983 йил план кўрсаткичларининг бажарилиши умуман ўн биринчи беш йилликнинг муҳим топшириқларини муваффақиятли адо этишда асосий роль ўйнайди. Беш йилликнинг дастлабки уч йилида ялпи ижтимоий маҳсулот 13 процент, миллий даромад 13,8 процент кўпайиши керак. Саноат маҳсулоти ҳажми беш йиллик пландаги 14 процент ўрнига 14,5 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 5,5 процент кўпаяди, аҳолининг реал даромадлари 11,4 процент, товар оборoти 23,6 процент ўсади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим вазифалардан бири шуки, 1985 йилга бориб республикамиз дон етиштиришда 5 миллион тоннадан маррага чиқиб олиши учун келгуси йили камида 3,8 миллион тонна дон етиштириш керак. Бу — мамлакат Озиқ-овқат программасининг бажарилишига Совет Ўзбекистони қўшадиган энг муҳим ҳисса бўлади. Қишлоқ меҳнат аҳли мевасабзавот маҳсулотлари, картошка, боғдорчилик ва полизчилик неъматларини кескин кўпайтиришга даъват этилган.

Чорвадорларимиз олдига, айниқса муҳим вазифалар қўйиляпти. Улар партиямиз қарорлари асосида чорва сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига гўшт, сут, тухум, қоракўл тери ва жун етиштиришни муттасил ошириб боришлари керак. Бунинг учун гўшт етиштиришни беш йиллик охиригача 10 минг тоннага етказиш ва ундан ҳам ошириш мажбуриятни қабул қилиб, чорвачиликни янада интенсив ривожлантириш чораларини кўриётган Оҳангарон, Калинин, Чиноз, Ленин, Қўрғонтепа, Андижон Пахтаобод, Хўжаобод, Бахмал, Фориш, Қоимех, Косон, Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Косонсой, Уйчи, Самарқанд, Жомбой, Каттақўрғон, Советобод, Сариосиё, Денов, Беруний, Бўзатов районлари чорвадорларининг ташаббусини кенг қулоч ёйдириш керак. Чорвадорлар орасида социалистик мусобақа байроғи янада баланд кўтарилиши шарт.

Пленум қатнашчилари ва республика Олий Совети депутатлари келгуси йил учун мўлжаллаётган кўрсаткичларининг реал, тўла ва ошириб адо этиш мумкин бўлган кўрсаткичлар эканлигини алоҳида таъкидлаб, 1983 йил ҳам коммунистик бунёдкорлик йиллари орасида муносиб ўрин эгаллаши учун республиканинг барча бурчакларида меҳнат ғайрат-шижоати жўш уражаклигига сидқидилдан ишонч билдиришди. Шубҳа йўқки, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари, ишчилари ва колхозчилари, мутахассислари ва олимлари, барча меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч ва билимларини, ғайрат-шижоат ва маҳоратларини сарфлайдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажарадилар, 1983 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари адо этилишини таъминлайдилар.

«СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ВА КАСАБА СОЮЗЛАРИ»

1 декабрь куни Тошкентда «СССРнинг 60 йиллиги ва касаба союзлари» мавзуида республика илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Конференция қатнашчилари — касаба союз арбоблари, олимлар, Ўзбекистон пойтахти олий ўқув юртларининг ўқитувчилари коммунизм мактаби — бошқариш мактаби бўлмиш касаба союзлари тўғрисидаги, ривожланган социализм шароитида социалистик мусобақани ташкил этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини татбиқ этишда, Озиқ-овқат программасини ҳал қилишда касаба союзларнинг роли ҳақидаги илмий ахборотларни тингладилар.

Конференцияда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

1983 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишлари ҳисобга олган ҳолда тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича 1983 йилда қуйидаги ўсиш суръатлари белгилансин:

	(1982 йилга нисбатан ўсиш — процент ҳисобида)
Ҳосил қилинган миллий даромад	4,2
Саноат маҳсулоти — жами	4,0
шу жумладан:	
ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш	3,8
истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	4,8
Давлат капитал маблағлари	3,0
Умум фойдаланадиган автомобиль транспортининг юк оборoти	3,2
Ишчи ва хизматчилар сони (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	1,6
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	9,1
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар	3,1
Иш ҳақи фонди (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	3,3
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ижтимоий истеъмол фондлари	2,2
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборoти	7,2
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми	8,8
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	7,0
Куни узайтирилган мактаблар (ёки группалар)даги ўқувчилар сони	6,2
Хунар-техника ўқув юртларида тайёрлаб чиқариладиган малакали ишчилар сони	4,8
Касалхоналардаги ўринлар сони	3,7

1983 йилда маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 6,09 миллион квадрат метр уй-жой қурилсин.

3-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини бажариш жараёнида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларига амал қилиб, халқ хўжалиги тармоқларида мавжуд бўлган барча ички резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишни тезлаштириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш асосида иқтисодий ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширсин ва зарур бўлган ҳолда план топшириқларига аниқликлар киритсин.

4-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён этилган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисида депутатлар киритган таклифлар ҳамда мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар бўйича ҳаммаси бўлиб 6.682.311 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларидан тушадиган даромадлар — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, фойданнинг эркин қолдиғи, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликлар олинадиган бошқа даромадлар — жами 5.574.330 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой-коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини маблағ билан таъминлашга сарфланадиган харажатлар жами 3.047.212 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, хунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, кутубхоналар, клублар, матбуот, телевидение, радио эшиттириш ҳамда маориф ва маданиятга оид бошқа тадбирларга: касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга, пенсия ҳамда нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар жами 3.400.485 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органлари ҳамда судларни таъминлашга ажратиладиган маблағлар 83.348 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги республика бюджети даромадлар ва харажатлар бўйича, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган 2.097.506 минг сўм миқдоридаги маблағни ҳам ҳисобга олган ҳолда 6.293.051 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

7-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1983 йилги Давлат бюджети ва областлар ҳамда Тошкент шаҳрининг 1983 йилги маҳаллий бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 2.486.766 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан:

	(минг сўм)
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	237057
Андижон области	188187
Бухоро области	132336
Жиззах области	87871
Қашқадарё области	158865
Навоий области	63031
Наманган области	155973
Самарқанд области	220731
Сурхондарё области	137104
Сирдарё области	84406
Тошкент области	260053
Фарғона области	239071
Хоразм области	116130
Тошкент шаҳри	405951

8-модда. 1983 йил учун умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат бюджетига ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ажратмалар қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғидан: Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент, Андижон областига — 54,0 процент, Бухоро областига — 36,5 процент, Жиззах областига — 57,2 процент, Қашқадарё областига — 45,5 процент, Навоий областига — 49,1 процент, Наманган областига — 69,2 процент, Самарқанд областига — 20,3 процент, Сурхондарё областига — 57,1 процент, Сирдарё областига — 60,3 процент, Тошкент областига — 36,9 процент, Фарғона областига — 39,2 процент, Хоразм областига — 23,1 процент, Тошкент шаҳрига — 19,9 процент;

(Давоми учинчи бетда).

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ойи учинчи ўн кунлигида давлатга пахта сотиш ва Ўзбекистон областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга қолдирилди:

Қашқадарё области (область партия комитетининг секретари Р. Ғойипов, область ижроия комитетининг раиси Б. Эльбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи З. Асроров, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи Ю. Бегматов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси Н. Меллаев, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Рўзиев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси Р. Эшонқулов, область комсомол комитетининг секретари А. Аҳмедов). Бу область пахта тайёрлаш планини 100,35 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 6,97 процент ўсишини таъминлаган;

Қашқадарё областининг қўриқ Нишон райони (район партия комитетининг секретари Д. Хушназаров, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Т. Намозов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси Т. Холиёров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Абдуллаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Б. Назаров, район комсомол комитетининг секретари С. Хўжақулов). Бу район пахта тайёрлаш планини 109,22 процент, машина терими планини 105,15 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 8,75 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё область Ангор районидаги «Коммунизм» колхози (колхоз правлениесининг раиси С. Ҳайтов, партия ташкилотининг секретари О. Бердиев, касаба союз комитетининг раиси И. Турсунов, комсомол комитетининг секретари У. Даутов). Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 109,14 процент, машина терими планини 111,19 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 12,47 процент ўсишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

(Давоми тўртинчи бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети миллий байрам — Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинганлигининг 7 йиллиги муносабати билан Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвиханга ва Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти, ЛХДР Олий Халқ мажлиси Раиси Суфанувонга табрик телеграммаси йўлладилар.

Халқ демократик революцияси галаба қозониб, 1975 йил 2 декабрда ЛХДР ташкил этилиши билан Лаос халқининг озодлик ва мустақиллик учун, социал эркинлик учун 30 йиллик кураши муваффақиятли тугалланди, дейилади телеграммада. Мамлакат социализм асосларини қуриш йўлига ўтди. Ўтган йиллар мобайнида Лаос халқи Халқ революцион партияси раҳбарлигида экономика ва маданиятни ривожлантиришда, ўз ватанининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ажойиб муваффақиятларга эришди. Ҳозирги вақтда Лаоснинг барча меҳнаткашлари ЛХРП III съезди қарорларини амалга ошириш учун, республиканинг биринчи беш йиллик плани вазифаларини бажариш учун актив ишламоқдалар. Мард ва меҳнатсевар Лаос халқи социализмнинг юксак идеалларига амал қилиб, тинч бунёдкорликда, ўз бахтиёр келажагини қуришда янги ғалабалар қозонишига аминмиз.

Лаос Халқ Демократик Республикаси қардош социалистик мамлакатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, уруш хавфини йўқотиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда, халқларнинг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм йўлидаги курашини актив қўллаб-қувватламоқда. Вьетнам ва Кампучия билан биргаликда Лаос жануби-шарқий Осиёдаги вазиятни соғломлаштиришга ва бу районни тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришга қаратилган актив ташқи сиёсий иш олиб бормоқда.

Совет Иттифоқи билан Лаос ўртасида ҳар томонлама алоқалар самарали ривожланмоқда. Эндиликда Совет — Лаос ҳамкорлиги мамлакатларимиз сиёсий ва иқтисодий турмушининг деярли ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати Лаос Халқ Революцион партияси билан, Лаос Республикаси билан муносабатларни совет ва лаос халқлари манфаатлари йўлида, социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ҳар томонлама ривожлантириш йўлини қатъият билан ўтказаверадилар.

(ТАСС).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

30 ноябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Туркия Республикаси ташқи ишлар министри И. Туркмени қабул қилди.

Дўстона муҳитда ўтган суҳбат чоғида Совет — Туркия муносабатларининг баъзи масалалари муҳокама қилинди. Ҳар икки томоннинг барча соҳаларда яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришдан, СССР билан Туркия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқни кенгайтиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

(ТАСС).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Туркия республикасининг ташқи ишлар министри Илтер Туркмен 1 декабрь куни Москвадан Бокуга жўнаб кетди. Ў Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

ЯНГИ, ЁРҚИН ИСТИҚБОЛНИ ҚЎЗЛАБ

Депутат К. П. ДУДИН нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг VII сессияси зўр таъсири остида ўтмоқда. Уларда қабул этилган қарорларда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Юрий Владимирович Андропов-ninг Пленумдаги нутқида экономикамиздаги ишларнинг аҳволи батафсил анализ қилинди, партиянинг, бутун совет халқининг КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини рўёбга чиқариш соҳасидаги жуда катта ишлари кўрсатиб ўтилди. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, бутун дунёда тинчликни таъминлашга қаратилган бир қанча принципиал муҳим қоидалар илгари сурилди.

Республиканинг барча меҳнаткашлари қатори тошкентликлар ҳам КПСС Марказий Комитети Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини яқдиллик билан маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги гоят жўш урган бир вазиятда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирдилар. Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн бир ойлик планини барвақт бажардилар. Шаҳарнинг 22 мингдан кўпроқ ишлаб чиқариш илғори ва новатори ўзларининг шахсий икки йиллик планларини Улуғ Октябрнинг 65 йиллигигача тугалладилар. Тошкентликлардан 1600 дан кўпроқ киши ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ йил тоширигини бажариш учун эўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Тошкент меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишни, Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришни ўзларининг ватанпарвардик бурчи деб биладилар.

Партия ва совет органларимиз, депутатларимиз ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлини янада собиткаламлик билан ўтказишни, интенсив ўсиш омилларидан тўла-тўкис фойдаланишни, интизомни мустаҳкамлашни, давлат олдидаги мажбуриятларини бажариш учун кадрларнинг масъулиятини кучайтиришни энг муҳим вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Биз бутун куч-ғайратни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг энг асосий йўналишларига марказлаштириш билан бирга бир қанча масалаларни ҳал этишда республика Министрлар Советидан, Госпланидан сўраймиз, чунки шаҳарни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантириш сурватлари мана шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Тошкентда кўп миқдорда уй-жой қурилаётган бўлишига қарамай, аҳоли жон бошига тўғри келаётган уй-жойлар мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларига нисбатан ҳали ҳам кам. Шаҳарнинг қурилиш индустрияси базасини жадал ривожлантириш керак. Коммунал хўжалик ҳам тегишли равишда ривожлантирилиши зарур.

Тошкентни электр энергия, газ ва айниқса иссиқлик билан муттасил ва пухта равишда таъминлаш — навбатдаги муҳим проблемадир. Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан республикаэ Энергетика ва электрлаштириш министрлигига ҳамда «Союзузбекгазпром»га шаҳарнинг электр, иссиқлик ва газ таъминоти бош схемаларини ишлаб чиқиш ва келгуси йилдаёқ шу схемаларни амалга оширишга киришиш тўғрисида кўрсатма беришни илтимос қиламиз. Тошкент ГРЭСини реконструкция қилиш зарур бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат плани билан бюджети КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишда муҳим бўғин бўлиб қолади. (Қарсаклар).

Депутат С. Ҳ. ҲАМРОҚУЛОВ нутқи

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети маъқулланган бунёдкорлик ишлари планлари совет кишиларининг муддаоларини, фикр-ўйлари, орзу-умидларини тўла-тўкис ифодалайди.

Кўпгина меҳнат коллективларимиз СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари бу йилги деҳқон қийин шароитда қаҳрамонона меҳнат қилиш намунасини кўрсатмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларига амал қилиб, Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришга халқ депутатлари Маҳалдий Советларининг таъсири анча ошди. Улар ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан кенгроқ ва кўпроқ фойдаланмоқдалар, депутатларнинг меҳнат ва жамоат фаолияти анча активлашди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Самарқанд область партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг турмушга татбиқ этилиши шунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Шу билан бирга мавжуд резерв ва имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаётганини англаб турибмиз.

Областда план топшириқларини бир қанча кўрсаткичлар бўйича бажармаётган корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва хўжаликлар ҳали ҳам бор.

1983 йилги Давлат плани лойиҳасини тасдиқлаш пайтида бизнинг пахта етиштиришни ва тухум тайёрлашни ривожлантиришга тааллуқли таклифларимизни кўриб чиқишни, соғлиқни сақлаш объектларини, шунингдек посёлка, қишлоқ советларининг биноларини ҳамда бошқа бир қанча объектларни қуриш тўғрисидаги масалани ҳал этишни илтимос қиламиз. Шаҳарларни, район марказларини ободонлаштириш, халқ маориф муассасалари учун анжомлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш ва уларни капитал ремонт қилиш учун қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги илтимосимиз кўриб чиқилишини ҳам сўраймиз.

Самарқанд областининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини, юбилей йили ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини ишга соладилар, мамлакатимизда коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ваъда беришга рухсат этгайсизлар. (Қарсаклар).

Депутат К. ИСКАНДАРОВА нутқи

НУКУС ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИНИНГ ТИКУВЧИ МОТОРИСТКАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Ю. В. Андропов нутқ сўзлаган партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, шунингдек СССР Олий Совети VII сессиясининг якунларини Қорақалпоғистон меҳнаткашлари яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар Биз ҳаммамиз Пленум ва сессия материалларини қарақатимизнинг жанговар программаси сифатида қабул қилдик.

Қорақалпоғистон АССР беш йилликнинг иккинчи йилини иқтисодий ва социал ривожланишнинг барча асосий йўналишлари бўйича катта ютуқлар билан нишонламоқда. Нукус шаҳрининг бутун саноати беш йилликнинг икки йили тоширигини 28 ноябрда муддатидан илгари бажарганлигини айтиш қувончлидир.

Бу йил қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун машаққатли йил бўлди. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга қарийб 440 минг тонна — пландагидан 45 минг тонна кўп пахта топширилди. Деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини ҳам давлатга сотиш планлари анча ошириб бажарилио гўшт, сут, тухум, қоракўл, жун тайёрлаш топшириқлари муваффақиятли адо этилмоқда.

Эришилган муваффақиятларни қайд этиш билан бирга бизда фойдаланилмаган резервлар ва имкониятлар мавжудлиги, камчилик ва ҳал этилмаган проблемаларнинг борлиги тўғрисида ҳам гапириш керак. Биз бундан буён ҳам давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишимиз зарур.

Автоном республикада жуда катта капитал қурилиш ишлари амалга оширилмоқда, муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча объектлар барпо этилмоқда. Булар орасида Нукус ип-газлама комбинати ва йирик паррандачилик фабрикаси, Чимбой ва Беруниийдаги чорвачилик комплекслари, бошқа объектлар бор. Қурилиш материалларининг етишмаётганлиги туфайли бу объектларни қуриш ва ишга тушириш суръатлари пасайиб кетмоқда. Биз Қорақалпоғистонда қурилаётган биноқорлик материаллари саноати корхоналари тезроқ ишга туширилишини, қурилишларни тегишли материал—техника ресурслари ва механизмлар билан таъминлашни қўзда тутишларини илтимос қиламиз. Шаҳарлар ва посёлкаларда водопроводлар, иссиқлик трассалари, канализацияларни реконструкция қилиш ва қуриш учун, мактаблар ва даволаш муассасаларини инвентарлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун қўшимча ресурслар ажратилиши ҳам лозим.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақага муносиб ҳисса қўшадилар. (Қарсаклар).

Депутат У. АСАДОВ нутқи

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Барча совет кишилари сингари навқирон областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг қарорларини бажаришга киришдилар. Улар СССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Область саноати ишчилар синфининг, инженер-техник ходимларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўн бир ойлик планни ошириб бажарди. Капитал қурилишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Улар мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва йиғиштириб олдилар, давлатга дон, пилла, сабзавот, полиз экиндари, картошка, қоракўл тери ва жун топшириш юзасидан социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар. Гўшт, сут, тухум тайёрлаш жадал олиб борилмоқда.

Областимиз ташкил топгандан бери қўлга киритилган муваффақиятлар анчагина, лекин ҳал этилмаган проблемалар ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш учун биз барча ишларни қилаяпмиз. Бугунги сессияда қабул қилинаётган планлар зиммамизга хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида масъулиятли ва мураккаб вазифаларни юклайди.

Қизилтепа ва Навоий паррандачилик фабрикаларида тухум ва парранда гўшти етиштириш плани муитазам бажарилмаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Асбоб-ускуналар эскирганлиги, паррандаларни боқиш учун зарур шароит йўқлиги бунинг сабабларидан биридир. Шуни назарда тутиб, республика Госплани ва қишлоқ хўжалик министрлигидан фабрикани реконструкция қилишда бизларга ёрдам беришларини, бунинг учун зарур маблағ ва асбоб-ускуналар ажратишларини сўраймиз.

Пахта, дон ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни қўпайтириш сув билан таъминлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ проблемаларнинг ҳал этилишини талаб қилади. Ҳозирги вақтда Аму—Бухоро канали реконструкция қилинмоқда ва ёрдамчи насос станциясининг қуриш ишлари бошланди. Бу Ўртачўл массивини сув билан таъминлашни яхшилайди. Навоий областида сув билан таъминлаш масаласининг тўла ҳал этилиши Тўдакўл насос станциясини қуриш зарурлигини тақозо этади. Бу масалани тўла-тўкис ҳал этишни тезлаштиришни сўраймиз.

Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда Госкомводстройдан ирригация тармоғини такомиллаштиришда, мелиорация ишларини механизациялаштиришда ёрдам беришларини сўраймиз. Уй-жой, социал-маданий ва маиший объектлар қурилишига қўшимча маблағлар ажратиш зарур.

Областимиз депутатлари номидан 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда республика Давлат бюджети лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз. (Қарсаклар).

Депутат И. Т. СОРОКИН нутқи

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Барча совет кишилари каби Хоразм меҳнаткашлари ҳам ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга интилмоқдалар. Улар партиямиз Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети VII сессияси қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган программавий нутқини зўр мамнуният билан қабул қилдилар.

Партия ва давлатнинг доимий кўмагига таянган Хоразм меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон ютуқларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Область саноати ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Қишлоқ хўжалик ходимлари бу йилги қийинчиликларни бартараф этиб, оширилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминладилар. Келгуси йил мўл ҳосилининг мустаҳкам пойдеворини яратиш учун зарур бўлган тадбирлар, чорва қишловини ташкилий равишда ўтказиш учун зарур бўлган барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бизнинг областимизда ҳам, сессияда ҳақли равишда айтиб ўтилган камчиликлар, фойдаланилмаган резервлар мавжуд. Биз камчиликларни иложи борича тезроқ бартараф этиш, интенсивлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш учун барча куч-ғайратларимизни сарфлашни ўз вазифамиз, деб биламиз.

Хоразм области ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш ва Қизилқум массиви ерларини комплекс ўзлаштириш планлари муносабати билан Хоразм областида экономика ва маданиятни юксалтиришнинг кенг истиқболлари очилмоқда.

Биз бу планларни амалга оришда республика министрликлари ва идоралари ҳар доимдагидек энг фаол иштирок этадилар деб умид қиламиз.

1983 йилда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва Давлат бюджети лойиҳалари ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон олдига қўйилган вазифаларга тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Биз қуйидагиларни эътиборга олишни илтимос қиламиз. Дон, гўшт ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтиришнинг катта имкониятлари мавжуд бўлган Қизилқум массиви ерларини тезроқ ўзлаштириш учун қўшимча капитал маблағлар ва материал техника ресурслари ажратилиши қўзда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Турар-жой, коммунал хўжалик, маориф ва соғлиқни сақлаш объектларини қуриш учун маблағ ва материал ресурслар кўпайтирилишини ҳам илтимос қиламиз.

Хоразм области меҳнаткашлари ССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишни таъминлаб, беш йиллик-нинг учинчи йили халқ хўжалиги планини муваффақиятли адо этиш учун мустаҳкам замин яратадилар. (Қарсаклар).

Депутат М. ЭГАМБЕРДИЕВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» РАИСИ

Бу йил Ўзбекистон қишлоқ меҳнатчилари эришган муваффақиятларга республика «Госкомсельхозтехника»си корхона ва ташкилотларининг коллективлари ҳам ҳиссасини қўшдилар. Ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма турлари соҳасида ўн бир ойлик план муддатидан илгари — 25 ноябрда бажарилди. Шу билан бирга, биз ўз ишимизга танқидий назар билан қараб, камчиликларни, фойдаланилмаётган резервларни ҳам пайқаб олдик.

Бу йилги кузнинг мураккаб шароитларида «Госкомсельхозтехника» корхоналари кузги-қишки ишларнинг бутун комплексини жуда қисқа муддатларда ўтказиши лозим. Устахоналарнинг ҳаммаси икки сменада ишлашга ўтказилмоқда, ремонт тадбирларини бажаришга хўжаликларнинг механизаторлари жалб этилмоқда, кўкламни шайланиб кутиб олиш учун машина-механизмларнинг кузги-қишки ремонтини жадаллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозир республика «Госкомсельхозтехника»си чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишда, ем-хашак цехлари ва озуқа корхоналарининг, чорвачилик хўжаликлари ва жамики машина-ускуналарининг узлуксиз ишлашини таъминлашда колхоз ва совхозларга зарур ёрдам кўрсатишга катта эътибор бермоқда.

Фан-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш мамлакат ҳалқ хўжалигининг самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир. Бу соҳада биз катта иш қилмоқдамиз. Аммо бу вазифани бажариш учун бир қанча масалалар ҳал этилиши лозим. Чигит экадиган ва бугдой қатор ораларини юмшатадиган универсал машиналар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш лозим. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган олти маркадаги пахта териш машинаси ўрнига тўкилган пахтани қўлда териб олишга эҳтиёж қолдирмайдиган пневматик подборшчик билан таъминланган янги, мукаммал универсал пахта териш машинаси ишлаб чиқаришга ўтиш эҳтиёжи ҳам жуда пишиб етилди. Республика корхоналарида кенг қамровли ротацион мотига, шунингдек мева-сабзавот хўжалиги учун бир қанча машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.

Республика «Госкомсельхозтехника»си ишлаб чиқариш базасини янада кенгайтириш учун бизга катта ёрдам берилмоқда. Аммо ривожланиш суръатлари қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашнинг ўсишидан, янги ерларни ўзлаштириш миқёсидан ҳали ҳам орқада қолмоқда. Ремонт корхоналари, савдо базаларига, техникавий хизмат станцияларига бўлган эҳтиёж ҳали тўла-тўкис таъминланмаяпти. Бу тафовутни тугатиш учун қўшимча маблағ керак бўлади.

«Госкомсельхозтехника» корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатчилари КПСС XXVI съезди ва мамлакатнинг Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга бутун кучни сарфлайдилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат О. СЎПИЕВА нутқи

АНДИЖОН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗНИНГ СУТ СОҒУВЧИСИ

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Юрий Владимирович Андроповнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи ҳар биримизда гоят катта қизиқиш уйғотди. Иқтисодий ишлаб чиқариш ва иш сифати самарадорлигини оширишга эришиш учун янада актив курашишга ундади.

Андижон областининг меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақага муносиб ҳисса қўшадилар. (Қарсаклар).

Депутат Т. ИСЛОМОВ нутқи

БЎКА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ўсган вазиятда, юбилей йили якунланаётган кунларда ўтмоқда. Тошкент областининг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг халқ баҳт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун сабот билан курашмоқдалар.

Бўка районининг меҳнаткашлари ҳам бир мунча муваффақиятларга эришдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Капитал қурилиш миқёси кенгаймоқда. Бу йил қишлоқ меҳнатчилари айниқса яхши ишладилар. 79,6 минг тонна, яъни планда белгиланганидан анча кўп миқдорда пахта тайёрланиб давлатга топширилди. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг пахтакорлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Улар четдан ёрдам қучи жалб этмай, пахта тайёрлаш йиллик планини 11 иш кунида бажардилар. Ялпи ҳосилнинг 90 процента машинада терилди. Колхозлаги ҳосилдорлик 52 центнерга етказилди. Районда давлатга дон шу жумладан маккажўхори, шоли ҳамда полиз экинлари, картошка, мева, сабзавотчилик маҳсулотлари сотиш планлари ошириб бажарилди. Планда белгиланганига нисбатан 600 тонна гўшт, 850 тонна сут, 1 миллион 200 минг дона кўп тухум сотилди.

Партия билан ҳукумат бизга қилинган ишларга танқидий назар билан қарашни, бутун куч ва ғайратни резервлардан оқилона фойдаланишни, ҳал этилмаган масалаларни ҳал этишни ўргатмоқда. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда эришган суръатлар халқ хўжалик юритишнинг социалистик системаси катта имкониятлари даражасида эмаслигини тан олиш керак.

1983 йилги Давлат плани лойиҳаси республика ва областимиз ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш манфаатларига мос келади. Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳам республиканинг реал молиявий имкониятларига мувофиқдир. Айни вақтда баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Биз Ўзбекистон ССР Госпланидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва харид қилиш юзасидан белгиланган ҳажмни эътиборга олиб экинзорлар структурасини қайта кўриб чиқишни сўраймиз, республиканинг тегишли министрликлари ва идораларидан, Ўзбекистон ССР Госпланидан халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, коммунал-маиший хизмат ва савдо объектлари қурилишига қўшимча капитал маблағ ажратиш имкониятларини кўриб чиқишни ҳам илтимос қиламиз. Республика Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги министрликлари, сув объектлари қурилиши Давлат комитети Қўқорол массивини ўзлаштиришни жадаллаштиришлари керак.

Областимиз ва районимиз меҳнаткашлари партия белгилаган вазифаларни тўла ва ошириб бажариш учун бутун куч ва билимларини бундан буён ҳам ишга солаверадилар, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар. (Қарсаклар).

Депутат Х. ИСРОИЛОВ нутқи

ДЎСТЛИК РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг материалларида партиямиз билан халқимизнинг КПСС XXVI съездидан кейинги ишлари ва зафарлари чуқур анализ қилинди, съезд қарорларини бундан буён амалга ошириш йўллари атрофлича кўрсатиб берилди. Бу, ҳар биримизнинг дилимизга белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришилади, деган ишонч бахш этади, янада яхшироқ ва самаралироқ меҳнат қилиш истагини кучайтиради.

Республиканинг ва Жиззах областимизнинг ютуқларида Дўстлик райони чўлқуварларининг ҳам меҳнат ҳиссаси бор. Саноат ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, капитал қурилиш юксак суръатлар билан амалга оширилмоқда. Об-ҳаво шароитлари жуда ноқулай келишига қарамай, пахтакорлар планни муваффақиятли бажардилар. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун районда кўп иш қилинмоқда. Давлатга дон, полиз маҳсулотлари, сабзавот, узум, мева, пилла сотиш кўпайди. Гўшт етиштириш ва давлатга сотиш ўтган йилга нисбатан 122 процент, сут 116 ва тухум 115 процент кўпайди.

Республика Олий Совети муҳокамасига тақдим этилган 1983 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш плани билан Давлат бюджетининг лойиҳалари меҳнаткашларнинг манфаатларига тўла-тўкис мос келади. Уларни амалга ошириш халқ хўжалигини янада ривожлантиришни, республикамизни равнақ топдиришни таъминлайди. Шу билан бирга биз план ва бюджет лойиҳаларини узил-кесил тасдиқлаш этиш вақтида бизнинг баъзи илтимосларимизни инобатга олишни сўраймиз.

Бизнинг фикримизча, областдаги район марказларини ва маъмурий марказ —Жиззах шаҳрини ободонлаштириш учун қўшимча маблағ ажратилиши керак. Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи объектлари учун анжомлар сотиб олишга ва иморатларни капитал ремонт қилишга қўшимча маблағ керак.

Ёш областимизнинг ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тез суръатлар билан ривожланаётганлиги аҳолининг кўпайишига олиб боради. Бу эса ўз навбатида уй-жой қурилиши проблемасини кўндаланг қилиб қўяди.

Область хўжаликларида сабзавот ва мева етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Бу эса мева қоқиси тайёрлайдиган завод ва консерва заводи қуришни талаб қилади. Тегишли министрлик ва идоралардан шу масалани ҳал этишда ёрдам беришларини сўраймиз.

Жиззах областининг меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратни аямайдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат Р. РАҲМОНОВ нутқи

ПЕШКУ РАЙОНИДАГИ «МОСКВА» КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ

Пешку районимиз деҳқонлари юбилей йилининг меҳнат вахтасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Давлатга пахта сотиш, дон, сабзавот, полиз экинлари, мева, узум, картошка, шунингдек тухум, жун, қоракўл тери ва пилла тайёрлаш ва сотиш юзасидан халқ хўжалик планлари бажарилди Район чорвадорлари ҳозирги кунларда бутун куч ва ғайратларини гўшт ва сут етиштириш юзасидан олинган йиллик планларни муддатидан илгари бажаришга сарфламоқдалар.

Район меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини ижчил амалга ошира бориб, Озиқ-овқат программасини тезроқ рўёбга чиқариш учун, шу мақсад йўлида барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланиш учун иложи бўлган ҳамма ишларни қилмоқдалар. Пахтачилик бригадаларида ва колхозчиларнинг шахсий хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ пахтачилик бригадаларининг ёрдамчи хўжаликларида жуда кўп қорамол, қўй ва эчки, парранда ва қуён боқилмоқда. Ҳар бир ҳовлида мол ва парранда бор. Коллектор ва каналлар ёқаларида жойлашган участкаларда ўрдак боқиш, мева ва узум етиштириш учун имкониятлар қидириб топилмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг фаолиятимиз КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари асосида баҳоланса, биз ҳали ўз резервларимиздан тўла фойдаланмаётганлигимизни эътироф этиш керак бўлади. Чорвачиликни ривожлантиришда камчиликлар мавжуд. Моллар зотини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, озуқа сифатини ошириш учун ҳали кўп ишлар қилиш керак. Деҳқончиликда илғор агротехника талабларига риоя қилишга катта эътибор бериш, қишлоқ хўжалик экинларини машиналар билан йиғиб-теришни ҳисобга олиб ўстириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш зарур.

1983 йилга мўлжалланган Давлат плани ва Давлат бюджетининг республика Олий Совети сессияси муҳокамасига қўйилган лойиҳаси меҳнаткашларнинг туб манфаатларига жавоб беради. План ва бюджетларнинг амалга оширилиши умуман халқ хўжалигини, жумладан республиканинг барча областлари, районлари ва хўжаликларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашади.

Шу билан бирга бир қанча таклифларимиз ҳам бор. Варахша массивимизда жуда кўп ер бор. Бу ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мумкин бўларди. Ана шу массивни ўзлаштириш ва суғориш борасида тадбирларни амалга ошириш зарур. Республиканинг тегишли министрликлари ва идоралари бизга бу ишда зарур ёрдамни кўрсатишларини илтимос қиламиз.

Районимизда қишлоқларни ободонлаштириш борасида катта иш қилинмоқда. Шунинг учун ҳам биз соғлиқни сақлаш ва турар жой объектларини қуриш учун қўшимча маблағлар ажратиб берилишини сўраймиз.

Областимиз меҳнаткашлари ўзларининг барча куч-ғайратларини иқтисодий ва социал ривожлантириш 1983 йил планларида белгиланган барча ишларни бажаришга сафарбар этиб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини ижчил амалга оширадилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. (Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

ЯНГИ, ЁРҚИН ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Депутат Н. ХОЛМИРЗАЕВА нутқи

ШЕРОБОД РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 60 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ БРИГАДИРИ

Леонид Ильич Брежнев республикамизга учинчи Ленин ордени топширилиши муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарда сўзлаган нутқида ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва пахта сифатини яхшилаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Шу йилнинг баҳорида район хўжаликларидаги катта майдонга ингичка толали пахта нави уруғлиги экилди. Кузда эса давлатга қариб 33700 тонна қимматли хом ашё топширилди.

Мен раҳбарлик қилаётган бригада комсомол ёшлар бригадаси. Биз ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборганмиз. 20 гектар ерга пахта, 60 гектар майдонга маккажўхори экдик. Гектар бошига ўртача ҳосилдорликни 50 центнерга етказиб, 100 тонна «оқ олтин» териб олдик. Деҳқонларимиз дон етиштиришни кўпайтиришга, Озиқ-овқат программасини бажаришга салмоқли ҳисса қўшишлари учун ҳам кўп ишларни амалга оширдик. Биз техникадан ва бригада пудратининг афзалликларидан кенг фойдаланган ҳолда 490 тонна маккажўхори дони етиштирдик, ҳар гектар ер унумдорлигини 130 центнерга етказдик.

Бу йил совхозимизнинг бутун коллективи яхши меҳнат қилди. Пахта ва дон етиштиришда юқсак кўрсатгичларга эришиш билан бирга гўшт, жун, пилла, сабзавот, полиз экинлари сотиш йиллик планлари ҳам ошириб бажарилди.

Бизнинг қўриқ совхозимиз Шеробод даштида ташкил этилган энг сўнгги совхозлардан биридир. Бизда чўлни ўзлаштириш учун келаётган меҳнаткашлар тобора кўпаймоқда. Бунинг натижасида уй-жой масаласида қийинчиликлар вужудга келди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг республика аҳолиси турмуш маданиятини янада юксалтириш тўғрисидаги қарори бизнинг фикримизча, коницарсиз бажарилмоқда. Маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар, мактаблар қуриш ишлари кўнгилдагидек эмас. Қишлоқ хўжалиги министрлигининг ана шу мақсадлар учун ажратаётган капитал маблағлари суст ўзлаштирилмоқда. Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол шундай. Биз республика ҳукуматидан ва тегишли министрликлардан бу ишда бизга ёрдам беришларини илтимос қиламиз.

Эътиборингизни яна бир масалага жалб этмоқчиман. Областимиз меҳнаткашлари 1983 йилда карам етиштиришни кўпайтириш мажбуриятини қабул қилдилар. Бироқ, бизда яшиклар етишмайди, сабзавотни темир йўл орқали ташишни кўпайтириш тўғрисида ҳам қайғуриш лозим. Республика Госплани ва бир қанча министрликлар бизнинг учта район марказимизда енгил саноат корхоналарининг филиалларини қуриш билан боғлиқ масалаларни тезроқ ҳал этишлари лозим. **(Қарсаклар).**

Депутат Я. И. ИЛИАДИ нутқи

ҚАРШИ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Совет жамиятимиз ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яқдил ва жипслашгандир. Бу бирлик азиз Леонид Ильич Брежнев билан қайғули видолашув кунларида алоҳида куч билан намоён бўлди. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми ва 1982 йилги ноябрь Пленуми партиянинг Ленин йўлидан олга боришга, КПСС XXVI съезди йўлини сабот ва изчиллик билан амалга оширишга азму қарор берганлигини мамлакат олдида, бутун дунё олдида зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатди.

Барча совет кишилари қатори қаршиликлар ҳам юбилей олди социалистик мусобақасини кенг авж олдирмоқдалар, мамлакатимиз янада бақувват, кўркам ва бадавлат бўлиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Қурувчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, аҳолининг турмуш маданияти муттасил ошмоқда. Шаҳарда ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш сохасида жиддий чоралар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга биз ҳали ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятларидан етарли фойдаланилмаётганлигини англаб турибмиз. Айрим саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш планларини уддаламаяпти. Қурилишдаги, транспортдаги ҳамма ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Биз камчиликларни тезроқ тугаллашга интилаяпмиз. ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги қунигача беш йиллиқнинг икки йили планларини барча кўрсаткичлар бўйича бажариш учун ҳамма иш қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг беш йиллик учинчи йилига мўлжалланган энг муҳим йўналишларини белгилаб беради. Бизнинг шаҳримизда ҳам кўп иш қилиниши керак. Саноат маҳсулоти реализация қилиш ҳажмини кўпайтириш, 2 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган. Уй-жой қурилишини ва ободончиликни ривожлантириш учун катта тадбирлар белгиланмоқда.

Биз ҳар йили 100 минг квадрат метрга уй-жой қуриб битказишимиз лозим. Бироқ Қарши уйсозлик комбинати реконструкция қилиниб бўлгандан кейин у бизга ана шунча уй-жой қуриш учун етарли йиғма темир-бетонни бермайди. Биз республика Госпланидан маҳаллий Советлар йўли билан йилига қўшимча равишда 30 минг квадрат метр уй-жой қуриш учун капитал маблағ ва пудрат ишлари лимити ажратиб беришни сўраймиз.

Қарши шаҳрининг коммунистлари, барча меҳнатчилари коммунистик бунёдкорлик улуғвор программасидан руҳланиб СССРнинг 60 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб оладилар ва КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва республика ҳукуматига, ушбу сессия қатнашчиларига ваъда беришга ижозат қилгайсизлар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. РУСТАМОВ нутқи

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бу галги сессияси КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган ёрқин нутқининг сафарбар этувчи таъсири остида ўтмоқда. Барча совет кишилари сингари Фарғона областининг меҳнаткашлари ҳам Пленум ва сессия ҳужжатларини якдиллик билан маъқулладилар ҳамда ижро учун қабул қилдилар.

Областимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида кўпгина муваффақиятларни қўлга киритдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми, жумладан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Суғориладиган майдонлардан оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, айниқса Марказий Фарғона чўлларини гуллаётган воҳага айлантириш учун кўп иш қилинди. Область пахтакорлари ноқулай об-ҳаво натижасида юз берган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Пиллакорлар яхши ишладилар. Сабзавот, полиз экинлари, картошка, хўл мева, узум ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини сотиш юзасидан зиммага олинган мажбуриятлар ошириб адо этилди. Ўтган йилдагидан анча кўп чорвачилик маҳсулоти олинди.

1983 йилги планга мувофиқ областимизда халқ хўжалигининг барча тармоқлари янада ривожлантирилади. Бироқ ҳал этилмаган баъзи масалалар бор. Биз республика министрликлари ва идораларининг эътиборини ана шу масалаларга жалб этишни истардик. «Фергана-нефтиоргсинтез», «Азот» бирлашмаларида газ аппаратлари, фуран бирикмалари, сунъий чарм, химиявий тола заводларида, Қувасой цемент заводида мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиш учун ана шу корхоналарнинг хом ашё билан таъминлаш зарур. Қурилиш материалари ва йиғма конструкциялар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги натижасида Бешариқда тўқимачилик комбинатининг филиали қурилиши орқага сурилмоқда. Область экономикаси жадал ўсаётганлиги, аҳоли йил сайин кўпайиб бораётганлиги биздан уй-жой қурилишига эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Ана шу мақсадлар учун қўшимча маблағлар ажратилишини, шунингдек бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва «Узколхозстрой»га қарашли гишт заводларини реконструкция қилишни жадаллаштиришни, тўққиз қаватли уйлар учун деталлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган комбинатни тезроқ қуриб битказишни сўраймиз.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидан яқин вақт ичида беш юздан ортиқ эски ва янги қудуқларни насос билан таъминлашни сўраймиз. Областимизда янги ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш планларига бир қанча ўзгартишлар киритиш зарур.

Областимиздан сайланган бир группа депутатларнинг топшириғига мувофиқ 1983 йилда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планини ҳамда бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаймаи. **(Қарсаклар).**

Депутат В. С. ЖЕЛОНКИНА нутқи

ЯНГИЕР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИНИНГ АРМАТУРА ПАЙВАНДЧИСИ

Бизнинг сессиямиз республикамиз 1983 йилги плани ва бюджетини муҳокама қилмоқда. Келгуси йилда қилинадиган катта ҳажмдаги ишларга Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати коллективи қилган меҳнат ҳам қўшилади.

Беш йиллиқнинг иккинчи йили тугай деб қолди. Корхонанинг ҳамма бўлим ва цехларида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Кўпгина коллективлар топшириқлар барвақт бажарилганлиги, мажбуриятлар ўринлатиб қўйилганлиги тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Республика барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, етиштирилган мўл пахта ҳосилини бир мисқол ҳам қолдирмай териб олиш тўғрисидаги даъвати комбинат меҳнатчилари қалбида қизғин акс-садо берди. Бизнинг коллективимиз ҳам умумий ишдан четда қолмади. Пахта терими бошлангандан буён комбинат ходимлари оталиқ хўжаликларда 820 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» териб бердилар.

Бизнинг аҳил коллективимиз бу йилги планнигина эмас, умуман беш йилликни ҳам барвақт тугаллашга қаттиқ бел боғлаган. Тиғиз топшириқларни бажариш учун бизнинг истагимиз ва ғайрат-шижоатимизгина етарли эмас. Бунинг учун айрим цехларни реконструкция қилиш, асбоб-ускуналарнинг бир қисмини янгилаш зарур. Комбинатга цемент, металл, ёғоч сингари материаллар бир маромда етказиб берилиши керак.

Яна бир муҳим проблема бор. Комбинат территориясида бир неча йил муқаддам қурила бошлаган эгилувчан шланглар ишлаб чиқарувчи завод ҳамон чала ётибди. «Главсредазирсовхозстрой» бу корхонани қуриб битказиш масаласини зудлик билан ҳал қилиши лозим.

Областдаги совхозлар мустаҳкамланиб, ўсиб бормоқда, уларда эса янги уй-жойлар қурилмаяпти. Шу сабабли мазкур масалани ҳал этишда ёрдам берилишини сўраймиз.

Ички хўжалик йўлларини, инженерлик коммуникацияларини тартибга солиш учун ҳам қўшимча маблағ керак, чунки ерларни кўп миқдорда шўр босиши натижасида бу йўллар ва коммуникациялар тез ишдан чиқиб қолмоқда.

Бугун муҳокама қилинаётган республика плани ва бюджетини тасдиқлашни таклиф қиламан. Депутатларнинг мулоҳазалари ва таклифлари эътиборга олинганда бу ҳужжатлар беш йиллиқнинг учинчи йилидаги умумий катта ишимизнинг бутун программасини бемалол таъминлайди. **(Қарсаклар).**

Депутат А. МАМАЖОНОВ нутқи

ТЎРАҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ

Ҳозир биз кун сайин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллигига яқинлашиб бораётган бир пайтда Наманган областининг, жумладан районимизнинг меҳнаткашлари улуғ ленинча дўстлик байрамини муносиб совғалар билан қутиб олиш учун зардорларча ишламоқдалар.

Районимиз пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажардилар, гектар бошига 37 центнер пахта ҳосили олдилар. Дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятлар ошириб бажарилди. Чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида кўзда тутилган ўсиш суръатлари таъминланди.

Колхозимизда гектар бошига 40,1 центнер пахта ҳосили олинди. Биз дон етиштириш ва давлатга сотишда айниқса катта муваффақиятларга эришдик. Планлар ва социалистик мажбуриятлар узлуксиз ошириб бажарилиши туфайли колхоз экономикаси мустаҳкамланди, аҳолининг реал даромадлари ўсди. Ўтган икки йил мобайнида 360 ўринли мактаб, 140 ўринли мактабгача тарбия муассасаси, бошқа кўпгина маданий-маиший объектлар қурилди. Колхоз аҳолиси тўла-тўкис водопровод суви билан таъминланди.

Пахта-беда алмашлаб экиш тўла-тўкис жорий этилганлиги, беда, маккажўхори ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги ошганлиги чорвачилик учун етарли озуқа базаси яратиш имконини берди. Беда ҳосилдорлиги 230 центнерга етказилди, гектар бошига 500 центнер кўк поя ўриб олинди. Биз чорва қишловига тайёргарлик кўриб қўйдик, молхоналар ремонт қилинди, дағал ва ширали озуқа етарли миқдорда тайёрланди.

Сессия муҳокамасига тақдим этилган Давлат плани ва давлат бюджети лойиҳалари халқимизнинг иқтисодий ва маданий турмуш даражасини ошириш вазифаларига тўла-тўкис мувофиқ келади. Улар Ўзбекистоннинг ҳамма областларида экономикани, маданиятни ва илм-фанни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очади. Шу сабабли мен Наманган области меҳнаткашлари номидан шу ҳужжатларнинг лойиҳаларини тасдиқлашни таклиф қиламан. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

б) колхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалик солиғидан, СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан, пул-буюм лотереялари тушумларидан ҳамда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги ва Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си корхоналари ва ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштирилган оборот маблағлари учун фойдадан тушадиган тўловлардан — 100 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Қорақалпоғистон АССР ва ҳамма областларга — 100 процент, Тошкент шаҳрига — 10 процент.

9 модда. 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминлаш учун 1983 йилда республика бюджетидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига 28.446 минг сўм ажратилсин.

10-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги республика бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори 35 миллион сўм қилиб тасдиқлансин.

11-модда. 1983 йилда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат бюджети, областлар ҳамда Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори 70 миллион сўм қилиб белгилансин, шу жумладан:

	(минг сўм)
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	5800
Андижон области	5700
Бухоро области	3800
Жиззах области	2500
Қашқадарё области	4700
Навоий области	2000
Наманган области	4400
Самарқанд области	6600
Сурхондарё области	4400
Сирдарё области	2400
Тошкент области	8100
Фарғона области	6600
Хоразм области	3200
Тошкент шаҳри	9800

12-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён этилган таклифлар ҳамда мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисида депутатлар киритган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 7.078.540 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 6.949.359 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 129.181 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1982 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади.**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги доклади маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини бажариш юзасидан зарур тадбирлар кўраётганлиги қайд этиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари киритган таклифлар ҳамда мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар баён қилган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленуми қарорларига амал қилиб, шу йилги ва 1983 йилги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 73-МОДДАСИГА ҚУШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 73-моддаси «Қашқадарё» деган сўздан кейин «Навоий» деган сўз билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари район Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1982 йил 14 июнда қабул қилган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР АХЛОҚ ТУЗАТИШ-МЕҲНАТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

«Ўзбекистон ССР ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 27 май Фармони;

«Ўзбекистон ССР жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 1 октябрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 28 октябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ССРНИНГ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД БАЪЗИ ҚОНУН АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИККИНЧИ МОДДАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш масалаларига оид баъзи Қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 27 май Фармони иккинчи моддаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ А. М. ИЛЮХИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Александр Меркулович **Илюхинни** Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1982 йил 19 май Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ В. П. ЕСИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Василий Павлович **Есинни** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1982 йил 7 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ В. К. МИХАЙЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Виктор Константинович **Михайловни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1982 йил 7 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ РАИСИНИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА САЙЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Ҳалима **Мухитдинованн** пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1982 йил 15 июнь Фармони;

Ўртоқ Бахшулла Аезович **Наврўзовни** Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиб, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси қилиб сайлаш тўғрисидаги 1982 йил 15 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ М. А. ЗОИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Миргиёс Аббосович **Зоидовни** Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1982 йил 30 сентябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР. ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ СОСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети составига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1982 йил 29 июлда қабул қилган қарор тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Сек

«СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТА»НИНГ ЭЛЛИК ОЛТИНЧИСИ

ТОЖИКИСТОН ССРГА БАҒИШЛАНГАН

ЯШНАЁТГАН ДИЁР

Қардош Тожикистон Совет Социалистик Республикаси Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ҳар томонлама ривожланган республикага айланди. Утмишда Тожикистон географик картада ҳам белгиланмаган эди. Тожикистон республикаси ташкил этилган пайтларда республика пойтахтини қаерда вужудга келтириш ҳақида одамлар бош қотиришган. Ўйлаб-ўйлаб кирқ хонадонли Душанба қишлоғи пойтахт қилиб танланди. Эндиликда бу шаҳар республиканинг йирик саноат, маданият ва маъмурий маркази бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь барча халқларни тенг ҳуқуқли деб эълон қилди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашган бошқа республикаларнинг ёрдами билан тожик халқи асрий қолоқликдан тараққиёт сари, социализм сари жуда катта сакраш қилди. Бугун республикада экономика, илм-фан, маданиятнинг бошқа сарчашмаларида Ленинград, Киев, Тошкент ва бошқа катта-катта шаҳарларнинг вакиллари туришибди.

1929 йили, яъни Улуғ Октябрнинг ўн икки йиллиги арафасида тоғлар ўлкасини мамлакатнинг марказий районлари билан боғлаб турувчи темир йўл фойдаланишга топширилди. Уша йилларда республиканинг дастлабки вакиллари йирик илмий марказлардаги олий ўқув юртларини битириб, миллий экономиканинг ташкилотчилари бўлиш учун қайтиб кела бошладилар. Коммунистик партиянинг бир вақтлар қолоқ районларни илдам ривожлантириш борасида тутган йўли ўзини оқлади. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, материалларга ишлов бериш, пахтачилик кескин даражада ривожланди.

Уттизинчи йилларда тилларда достон бўлган «Вахшстрой» қурилиши мамлакатимиз қардош халқларининг минг-минглаб фарзандларини Вахш водийсига йиғди. Ҳашар йўли билан ботқоқлик жойларда ноёб суғориш системаси вужудга келтирилди.

Шу кунларда Жанубий Тожикистон территориал ишлаб чиқариш комплекси вужудга келтирилмоқда. Л. И. Брежнев номидаги Норак гидроэлектростанцияси, Ёвон электрохимия заводи, Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи, катта-катта кончилик ва кончилик-саралаш корхоналари шу комплекс составига киради.

Қардош республика хўжалиги бутун мамлакат ва ҳар бир иттифоқдош республиканинг манфаатлари назарда тутилган ягона план асосида ривожланмоқда. Норак ГЭСи Тожикистон катта энергетикасининг тўнғич корхонаси бўлиб, белгиланган муддатидан ўн беш ой илгари фойдаланишга топширилди. Гидроиншоот қурилишида Украина, Ленинград, Урал машинасозлари, мамлакатнинг бошқа саноат марказлари меҳнаткашлари куч-қувват сарфладилар. «Ишчи эстафетаси» муваффақиятли давом эттирилмоқда. Ҳозирги пайтда Урта Осиёда энг йирик ҳисобланган Роғун ГЭСи қурила бошланди. Бу ишлар республикада деҳқончиликни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Душанба — Тожикистон ССРнинг пойтахтидир. Эндиликда бу шаҳар мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланиб қолди. Суратда: В. И. Ленин номли проспектда.

В. Кузьмин ва Р. Поздняков фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

[Бошы биринчи бетда].

Самарқанд области (область партия комитетининг секретари Р. Ашуралиев, область ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Бойзоқов, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи А. Йўлдошев, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси А. Мирзаев, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Т. Тошпўлатов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси Э. Эргашев, область комсомол комитетининг секретари А. Носиров). Бу область пахта тайёрлаш планини 100,89 процент, машина терими планини 99,5 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 6,28 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Фарғона областидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг Чироқчи райони (район партия комитетининг секретари Т. Тиллаев, район ижроия комитетининг раиси Б. Ахмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Усанов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси У. Умаров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи У. Бердиқулов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Ж. Тангиров, район комсомол комитетининг секретари Ғ. Абдурахмонов). Бу район пахта тайёрлаш планини 102,08 процент, машина терими планини 101,5 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 10,05 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Фарғона областидан олиб берилади;

Самарқанд областининг Пайариқ райони (район партия комитетининг секретари Х. Сайдиев, район ижроия комитетининг раиси О. Нафасова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Ғаффоров, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси Г. Хаитов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Ҳусанов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси И. Умиров, район комсомол комитетининг секретари Т. Норқулов). Бу район пахта тайёрлаш планини 101,65 процент, машина терими планини 96,87 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 9,01 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Фарғона областининг Ўзбекистон районидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг Муборак райони (район партия комитетининг секретари Н. Осмонов, район ижроия комитетининг раиси Х. Рахмонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. Шайхов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси Н. Халиллаев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Туропов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Иброҳимов, район комсомол комитетининг секретари З. Куртназаров). Бу район пахта тайёрлаш планини 103,14 процент, машина терими планини 116,43 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 10,52 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областининг Косон районидан олиб берилади;

Қашқадарё область Косон районидаги «Косон» совхози (совхоз директори И. Тошқулов, партия ташкилотининг секретари Э. Усмонов, касаба союз комитетининг раиси Н. Муродуллаев, комсомол комитетининг секретари С. Боборажабова). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 100,4 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 16,67 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ шу райондаги А. Икромов номли совхозидан олиб берилади;

Қашқадарё область Усмон Юсупов районидаги 21-қўриқ «Тошкент» совхози (совхоз директори А. Қурбонов, партия ташкилотининг секретари Ҳ. Жўрамуродов, касаба союз комитетининг раиси Ш. Файзиев, комсомол комитетининг секретари Х. Назаров). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 96,17 процент, машина терими планини 106,41 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 14,82 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область Нишон районидаги 7-«Оқ олтин» совхозидан олиб берилади;

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Жарқўрғон» совхози (совхоз директори М. Ойназаров, партия ташкилотининг секретари С. Ҳуррамов, касаба союз комитетининг раиси Ч. Ҳўжамиёров, комсомол комитетининг секретари Н. Арабов). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 94,82 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 15,48 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ шу райондаги «Шарқ Юлдузи» совхозидан олиб берилади;

Самарқанд область Оқдарё районидаги Энгельс номли колхоз (колхоз правлениесининг раиси У. Равшанов, партия ташкилотининг секретари М. Ҳолражабов, касаба союз комитетининг раиси Р. Мажидов, комсомол комитетининг секретари М. Сувонқулова). Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 96,38 процент, машина терими планини 120,57 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 18,83 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Фарғона область Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозидан олиб берилади.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Андижон области — область партия комитетининг секретари ўртоқ Мамарасулов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳасанов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдураззоқов, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Мамарасулов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ Алимов, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бегибоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Жўраев, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тоштемирова.

ПАХТАКОР МАДҲИ

ШАРАФЛАЙМАН

Дала худди космосга ўхшаш.
Табиатдан ўкиниш бекор,
Қайдан билсин вақтнинг
қадрини.
Бўл-ей, дейман, ёзақол
номдор
Олтин шеърнинг олтин
сатрини.
Лаҳзаларда жонсарак нафас,
Тоқатсиздир ўт тушган
дилим,
Беором ўй, беором ҳавас,
Ташна, қуриб қолгандай
тилим.
Бир мендамас бу ҳолат,
бу кўй,
Катта рўзғор ташвиши
ҳадсиз.
Учоққа ўт ёқар экан тўй,
Юрак ёнар қорда
шафқатсиз.
Ёнган юрак ўрлатар тоққа,
Ўалтирмас ва бўкмас қадди.
Шарафлайман сўнгги
чаноққа
Меҳр билан интилган
Халқни.

Султон АКБАРИЙ.

САРҲИСОБ

Тўкин куз. Кун сайин юксалар хирмон,
Ҳар инсон ҳаёли ерга бойланди.
Гоҳ ёмғир томчилар. Ғаниматбу он —
Барча тенг пахтакор элга айланди.

Йил бўйи меҳнатни истайди дала,
Бағрида деҳқоннинг ишонч ва бахти.
Деҳқондан ҳол сўрсанг, дейди шу палла:
— Пахта енгил, укам, оғир меҳнати!

Кимки тер тўкса гар, кам бўлмагай ҳеч,
Бобо-деҳқон ишлар тўрт фаслда тенг.
Шу ниятда гоҳо оромдан кечар,
Ишда даласидай унинг феъли кенг!

Ҳаёт ташвишларин сўйларкан бу дам,
Унут бўлиб кетар дала заҳмати.
Дер:
— Тупроқ отамдир ва мунис онам,
Баридан юксакдир унинг раҳмати!

Ўтди турналарнинг арғимчоқлари,
Булутлар ортига беркинар офтоб.
Файзлидир дала-ю боғ қучоқлари,
Деҳқон ҳосилини қилар сарҳисоб!..

ТЎЛҚИН.

Чет элларда

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

ГАВАНА, 30 ноябрь. (ТАСС). Баямо шаҳридаги Хенаро Брикуейтанинг шинамгина квартираси ҳар кеча ўқишхонага айланади. Бу квартиранинг эгаси ўзи мустақил ўрганиб олган рус тилини Кубанинг ўз революцион анъаналари билан машҳур бўлган ана шу шаҳри аҳолисидан бир группа ташаббускорларига ўргатмоқда.

Х. Брикуейта ўзининг 45 нафар ўқувчисидан айримлари «СССРга 50 йўллама» рус тили конкурсида голиб чиққанлиги билан фахрланади. Улар турли ёш ва турли касбдаги кишилар. Бу конкурсни ВЛКСМ Марказий Комитети Кубанинг «Радио ребельде» радиостанцияси билан биргаликда ўтказди. Кўп миллатли Совет давлатининг 60 йиллигида улар улуғ Ленин ватанига боришга муяссар бўлишди.

Ҳозирги кунда рус тилида бемалол гаплашадиган ва ўқий оладиган кубаликларни Озодлик оролининг турли жойларида учратиш мумкин. Қардош мамлакат тилини бутун халқ ўрганмоқда. Пушкин ва Толстой, Горький ва Маяковский тили ўқитилаётган жуда кўп таълим муассасалари билан бир қаторда республикада салкам ўн йилдан буён аҳоли ўртасида жуда шуҳрат қозонган рус тили курслари радио орқали бериб борилмоқда. А. С. Пушкин номидаги рус тили институтининг чет элда энг катта Куба филиали замонавий техника воситаларидан фойдаланиб муҳим методологик иш олиб бормоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● УЛАН-БАТОР

Бу ерда халқ назоратчиларининг биринчи республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда халқ Монголиясининг барча аймоқлари ва катта шаҳарларидан келган 600 дан ортиқ назоратчи иштирок этди.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатда ягона халқ контроли системасининг ташкил этилганлиги — МХРП ва республика ҳукуматининг ҳақиқий демократияни ривожлантириш, кенг халқ оммасини давлат бошқарувига жалб қилишга доимий эътибори ва ғамхўрлиги натижасидир.

Кенгашда МХРП Марказий Комитети Бош секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, мамлакат партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

● ЛОНДОН

Ҳозирги вақтда Англия аҳолисининг ишчи табақалари турмуш даражаси 1973 йилдагидан анча паст. Англия молиявий тадқиқотлар институтининг бу ерда эълон қилинган докладида ана шундай хулоса чиқарилган. Ҳужжатдан маълум бўлишича, сўнгги тўққиз йил мобайнида Буюк Британия меҳнаткашларининг иш ҳақи пул қадрсизланиши юксак даражага чиққанлиги, аҳолига бевосита ва бавосита солиқларнинг ошганлиги ҳамда турли социал тўловлар кўпайганлиги туфайли мутлақо оширилмаяпти.

● ДАМАШҚ

Фаластинлик араб халқининг миллий қонуний орзу-умидларининг амалга оширилиши учун, босиб олинган барча Араб ерлари озод қилиниши учун кураш — Араб давлатларининг биринчи даражали вазифасидир, деди Сурия Араб Социалистик уйғониш партияси регионал раҳбарлигининг аъзоси Тавфиқ Салха Дамашқда сўзга чиқиб. Сурия, деди у, АҚШ бошчилигидаги халқаро империализм фитналарига ва Исроил томонидан доимий ҳарбий дўқ-пўписаларга қарамай, ана шу адолатли умумараб ишини амалга оширишнинг ўзи учун курашни давом эттиравераді.

● ЛУАНДА

БМТнинг апартеидга қарши махсус комитети раиси Ю. М. Суле журналистлар билан суҳбатда бундай деди: нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлер 1983 йилнинг бошида махсус конференция чақиришни планлаштирмоқдалар. Бу конференцияда иркчи Жанубий Африка Республикасини нефть билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш мақсадида самарали тадбирлар қабул қилинади, деб ёзади «Жорналди Ангола» газетаси. Ю. М. Суле Жанубий Африкага қарши барча тадбирлар ҳозиргача ҳеч қандай сезиларли натижалар бермаганлиги туфайли ана шундай конференция ўтказиш зарурати етилди, деб таъкидлади. Конференцияда иркчи Жанубий Африка Республикасига қарши самарали жазо чораларини ишлаб чиқиш, сўнгра эса уларни амалда қўллаш зарур, деб таъкидлайди газета.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

СофияДа БКП Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум меҳнат тўғрисидаги янги кодекс лойиҳасини муҳокама қилиб тасдиқлади. Бу ҳужжат умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди, сўнгра киритилган тузатишлар ва қўшимчалар эътиборга олиниб, БХР Халқ мажлисига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Пленум иштирокчилари Л. И. Брежнев хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

УХВМ СЕССИЯСИДА

Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Умумхитой вакиллари мажлисининг Пекинда ўтаётган 5-сессияси ялпи мажлисида ХХР Давлат Кенгашининг бош министри Чжао Цзиян олтинчи беш йиллик план (1981—1985 йиллар) тўғрисида доклад қилди.

Шу даврда, деди докладчи, мамлакат экономикасини «тартибга солиш, қайтадан ўзгартириш, йўлга қўйиш ва юксалтириш»га қаратилган сиёсатни давом эттириш мўлжалланади. Шу мақсадда «давлат бюджетининг тузуккроқ мувозанатли бўлишига эришиш учун «ўтмишдан мерос бўлиб қолган» турли проблемаларни ҳал қилиш йўлида куч-ғайрат сарфланади.

Олтинчи беш йиллик планнинг тақдим этилган режаларида, деб уқтирди докладчи, саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини кейинги 28 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан анчагина пасайтириш мўлжалланган, бу «миллий экономикани тартибга солиш» вазифаларининг мураккаблиги билан изоҳланади.

ЮКСАК БАҲО

Ҳиндистон бош министри Индира Ганди СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига юқори баҳо берди. ПТИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, у Миср журналистлари билан суҳбатда Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг дўсти эканини, у қийин пайтларда Ҳиндистонга ёрдам берганини таъкидлаган.

И. Ганди ҳозирги замондаги энг муҳим масалаларга, чунончи ядро уруши хавфига ва янги одилона иқтисодий тартиб ўрнатишга муносабат сингари масалаларга Ҳиндистон ва АҚШнинг ёндашувида туб тафовутлар борлигини уқтириб ўтди.

Халқаро вазият кескинлашганлиги ва қуролланиш пойгаси кучайганлиги хусусида И. Ганди ташвишланиб гапирди. Ядро қуролининг кўпайтирилиши янги жаҳон уруши чиқиш хавфини кучайтиради, деб таъкидлади у.

ШАРТНОМАЛАР ЖУДА ҚУПОЛ РАВИШДА БУЗИЛМОҚДА

«Биринчи бўлиб зарба уришга мўлжалланган «МХ» стратегик ракеталарининг қурилиши ва жойлаштирилиши стратегик қуролларни жойлаштириш тўғрисидаги Совет — Америка шартномаларини жуда қўпол равишда бузишдир», — деди АҚШ Тинчлик кенгашининг ижрочи директори М. Майерсон. Шу тарика янги маъмурият, башарти Совет Иттифоқи шартномаларнинг шартларига риоя қилса, АҚШ ҳам шу шартларга риоя қилади, деб ўзи берган ваъдани бузди. Совет Иттифоқи СҚЧ тўғрисидаги шартномаларнинг руҳи ва ҳарфига ҳеч оғишмай амал қилиб келмоқда, деди у. Вашингтон эса ҳарбий қудратни оширишни ўз сиёсатининг асосий йўналиши қилиб танлаб олиб, бу шартномаларни бузмоқда.

(ТАСС, 1 декабрь.).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горнчилар, қаердасиз? 10.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.25 — Ўсмирлар ижоди. 11.55 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.40 — Концерт. 17.10 — Асли болаликдан. В. Амлинский. 17.45 — Концерт. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ягона оилада. Қозоғистон ССР. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Оперетта байрами.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 14.10 — Испан тили. 10.55 — Физика ва илмий техника революцияси. 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.40 — Музика. 12.05 — Сиз яратган боғ. 13.10 — Умумий биология. 13.40 — А. С. Пушкин. Дубровский. 14.40 — Олтин дарё. Бадиий фильм. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.20 — Қўшиқ инсон билан қолади. 20.10 Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро конкурс лауреати В. Шакин чалади. 21.00 — Ерда, самода ва денгизда. 21.30 — Время. 22.05 — Йўлдаги икки киши. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Бойчечак. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Абу Райҳон Беруний. Бадиий фильм. 2-серия. 13.45 — Телефильм. 18.05 — Фильм-концерт. 18.30 — Сенинг замондошинг. 19.00 — Биз — ватанпарвар интернационалистларимиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Актёрлар ва роллар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Актёрлар ва роллар. Эшиттиришнинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Улар Ватан учун жанг қилганлар. Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 17.55 — Телефильм. 18.10 — Немис тили. 18.40 — Реклама. 18.50 — Назарий механика. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Мақомлардан парчалар. 9.25 — Москва. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига. 9.40 — Республика бадиий коллективларининг концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук замин. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 18.15 — Чолғу миниатюралари. 19.30 — Ёшлик. 21.00 — ЛХДР эълон қилинганлигининг 7 йиллигига. 21.10 — Ҳикоя ҳақида ҳикоя. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

2/XIда — **Тоҳир ва Зуҳра.**
3/XIда — **Дон Кихот.**
4/XIда — **Пиковая дама.**
5/XIда **Алавуддиннинг сеҳрли шамчироғи** (кундуз). **Дон Кихот** (кечқурун).
7/XII — **Дилором.**
8/XIда — **Жизель.**
9/XIда — **Травиата.**
10/XIда — **Жизель.**
11/XIда — **Дон Карлос.**
12/XIда — **Гўзал Василиса** (кундуз), **Чио-Чио-Сан** (кечқурун).
14/XIда — **Севги ҳақида қисса.**
15/XIда — **Севги тумори.**
16/XIда — **Масхарабозлар.**
18/XIда — **Борис Годунов.**
19/XIда **Золушка** (кундуз), **Аида** (кечқурун).
21/XIда — **Фауст.**
22/XIда — **Оламнинг яратилиши.**
23/XIда **Петр Биринчи.**
25/XIда — **Мангулик.**
26/XIда **Этик кийган мушук** (кундуз), **Севги учун севги** (кечқурун).
28/XIда — **Флория Тоска.**
30/XIда — **Этик кийган мушук** (кундуз), **Оламнинг яратилиши** (кечқурун).
31/XIда — **Оламнинг яратилиши** (кундуз), **Севилья сартароши** (кечқурун).

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория кичик илмий ходимлари: сейсмик нагрузкаларни тадқиқотлаш, машина ва механизмлар назарияси.

Конкурс муддати — 24 декабргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Г-143, Академиклар шаҳарчаси (1, 17-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 17, 18-троллейбусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ «Г» КОРПУСИДА

11 ДЕКАБРЬ СОАТ 10.00 да 1972 йилда гидромелиорация факультетини битирганлар билан

УЧРАШУВ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Учрашувда қатнашишни хоҳловчилар 35-92-77 телефони бўйича Муяссар Мансуровна Исҳоқовага ва 35-58-80 телефони бўйича Владимир Сергеевич Вороновга мурожаат қилишларини сўраймиз.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XIда **Келинлар қўзғолони**, 3/XII да **Соқов рицарь.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/XII да **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 3/XIда **Ишонмасанг ўламан.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти Иван Рубан раҳбарлигидаги ёвойи ҳайвонлар аттракциони гастроллари** (19.30).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон Театр жамияти республикада хизмат кўрсатган артист, республика Театр жамияти правлениесининг ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шахсий пенсионер

Мирсоат УСМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Театр жамияти республикаси, нексе театр ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданиат ходими, Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси

Шариф АКРОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг республика радиоси коллективи «Сўнгги ахборот» Бош редакциясининг редактори М. Ганиевага онаси

Муқаддас САИДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи редакция ходими М. Иноғомовага отаси

Йўлдош ИНОҒОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор ўринбосари А. НАБИХУЖАЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 2-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02387. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 276. 10